



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 6 август, № 155 (4565)


Чоршанба

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



«СИЁБ САХОВАТИ» МАХСУЛОТЛАРИ — ЖАҲОНГА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётгани, чет эл сармоядорлари учун қулай шарт-шароит яратилгани туфайли ҳар йили қўллаб янги корхоналар ишга тушириляпти. Тайлоқ туманидаги «Сиёб саховати» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси — шулардан бири.



Бу ерда ширин-шакар мева-чевалар, витаминларга бой сабзавотларни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Корхона цехлари замонавий усуналар билан жиҳозланиб, ишчилар малакаси мунтазам ошириб борилаётгани натижасида қисқа вақт ичида 22 турдаги

маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Махфират Қаҳқорова (суратда), Гулнара Ақобирова, Зураффо Жўрақулова сингари ўз касбининг усталари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга бугун нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб юқори. Шу боис маҳсулотларнинг асосий қисми «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан Россия ва Қозғоғистон каби давлатларга экспорт қилинапти. Жамоанинг аҳди — йил охиригача 2 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаб, жаҳон бозорига харидоригар маҳсулотлар тайёрлаш. Улар орасида Италиянинг «FENKO» компанияси жиҳозлари асосида ишлаб чиқарилган, кичик сизимдаги, яъни 430 граммдан 200 граммгача бўлган маҳсулотлар алоҳида ўрин тутади.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



«ГРЕЦИЯ-ХИТОЙ» МОТОПОЙГАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЎЗБЕКISTON ҲАҚИДА

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда «Греция-Хитой» йўналиши бўйича ўтатган мотопойганинг Ўзбекистон ҳудудидаги босқичи ниҳоясига етди. Мусобақада 60 та мотоциклда 65 нафар иштирокчи қатнашаётган бўлиб, улар орасида тарихчилар, этнографлар, Греция ва бошқа мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари бор.

Мотопойганинг асосий ташкилотчиси — Грециянинг «Зайтун йўли» маданият жамғармаси бўлиб, унга Греция Ташлим ва маданият вазирлиги ҳамда Афина шаҳри мэрилиги кўмак кўрсатапти.

Спорт анжуманини ўтказишдан мақсад — Олимпиада ўйинлари гоёси ва маданиятлараро мулоқотни тарғиб этиш, шунингдек, пойга йўналишида жойлашган мамлакатларнинг маданий ва тарихий мероси билан танишишдан иборат.

Мусобақа иштирокчилари Ўзбекистон ҳудудида «Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Андижон» йўналиши бўйлаб ҳаракатланди. Улар Тошкентда бир муддат тўхтаб, мамлакатимиздан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

Грециянинг «Зайтун йўли» маданият жамғармаси расми Й.Карабатиснинг қайд этишича, иштирокчилар Ўзбекистонда бўлган вақт давомида юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишиш имкониятига эга бўлди.

«Менга ҳаммасидан ҳам ўзбек халқининг меҳмондўстлиги манзур бўлди, — деди у. — Грецияга қайтганда, ушбу қизиқарли спорт анжумани, шунингдек, Марказий Осиё халқларининг бугунги ҳаёти, маданият ва анъаналарига бағишланган видео репортажлар ва мақолалар тайёрлашни режалаштиряпмиз».

Греция зайтун ишлаб чиқарувчи компаниялар уюшмаси бош менежери Ж.Ойномоу Ўзбекистонда келгуси авлодлар учун мамлакат ҳудудидаги гузал ва кўна шаҳарларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилганлигини юксак баҳолади.

«Греция ҳам бой маданиятга эга кўна мамлакатдир. Шу боис бизда ушбу йўналишда Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар катта таассурот уйғотди. Юртимизда бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қўнғиб жижатлар ўхшаш эканлига амин бўлдим. Бунга Ўзбекистонда элдин маданияти, Грецияда эса Шарқ халқлари маданиятига хос бўлган усунурларни учратиш мумкинлиги далил

«Ҳақон» АА.

АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

Мамлакатимизда фермерлар учун август ойининг «Зарбдор ўттиз кун» дея эълон қилингани айни мuddао бўлди. Биз тигиз кунлар қадрига етиб, кўсакдан маржон тақан гузаларга қувват бағишласак, ҳосилнинг баракали бўлишига эришамиз.

ҒўЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ



сиз, сувнинг ҳар том чисидан оқилонга фойдалана билиш керак. Ниҳол сал ташна бўлдим, сувни ўша пайкалга буриш зарур. Шунда экиннинг шона ташлаши, кўсак бемаҳал очилишининг олди олинади.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, кумлоқ ерда нам узоқ сақланиб турмайди — оқизилган сув тезда сингиб кетади. Шуни ҳисобга олиб, мен ҳаммасим Хошимжон Суяров билан бирга кумлоқ пайкалларга тез-тез сув тараш пайдан бўлаяпмиз. Хўжалигимизда 42 киши ишлайди. Ишчи кучи етарли, 40 гектар майдондаги ғўза кунда бир яшнади. Аъзоларимиз қатор оралашни қанда қилмай, экин бағрига шамол киритаётгани натижасида ҳар туп ғўзада ҳосил бўлган кўсакларнинг илги тўқлашапти, бўлғуси хирмонга пухта замин яратаяпти.

Аҳмадjon РАҲИМОВ,
Минбулоқ туманидаги
«Юсуф ота»
фермер хўжалиги
сувчиси.

Бунақа пайтда, билан

Юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонларининг мустақиллик майдонини зиёрат қилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, бу майдон аجدдоларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улғу, энг азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган неъматлар

нинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида нафақат тасаввур қиламиз, балки юракдан астойдил хис этамиз.

Мустақиллик майдонидан хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмайди. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизикди.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

Мауро ДЕСТИЖИ (Испания):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Саёҳатим ниҳоятда мазмунли ўтмоқда. Сафарим давомида қадимий шаҳарларимиз — Самарқанд, Хива ва Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойларни қўриш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман. «Ойнаи жаҳон» орқали юртининг манзараларини томоша қилган, менда бу ерга келиш иштиёқи пайдо бўлган эди.

Тошкентдаги мустақиллик майдонининг гузаллиги ва тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улғуворлиги, кўрку салобати билан мамлакатнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятидан далолат бериб турибди. Улар

халқнинг гурур» ифтихорини янада юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Динеш СИНГХ (Хиндистон):

— Утган йили Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа

▼ Эътироф

фестивалида меҳмон сифатида иштирок этгандим. Ушанда тилларда дoston қадимий Самарқанднинг гузал ва бетакрор гушаларини томоша қилиб, ҳайратга тушган эдим. Бу сафар Тошкентга келиб, қадимий ва нақирон пойтахтининг таровати, хушманзара табиати, файзли ва сўлим боғларини кўздан кечириш имконига эга бўляпман. Мамлакатимизда келаси йили дунё илм-фан тараққийоти

улкин хисса қўшган, ҳақи равишда «Шарқ дарвозаси» деб эътироф этилган азим Тошкентнинг 2200 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўриляётганининг гувоҳи бўлдим. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрқин мисолдир.

Пойтахтининг, айниқса, мустақиллик майдони ҳар қандай кишини лол қолдиради. Ям-яшил майдон ва мўъжизакор бинолар кишида эзгу хислар ва ҳавас уйғотади. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Бахтиёр она хайкали мамлакатнинг таровати, барқарорлик ва бахтиёрлик, буюк келажаққа бўлган қатъий ишон тимсолидир.

(Давоми 2-бетда).

«Саломатлик поезде» йўлга чиқди

«Экосан» — «Ўзбекистон темир йўллари» саломатлик поезде»нинг навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасига йўл олди. Шу муносабат билан «Тошкент» темир йўл вокзалида уни қузатиш маросими ўтказилди.

Таъкидлангани, мазкур поезд «Ешлар йили» Давлат дастури ҳамда «Экология ва саломатлик кўнрали»нинг иккинчи босқичи тадбирлари доирасида ташкил этилган. Унга кийим-кечаклар, кўрпа-тўшак ғиллофлари, пойабзаллар, озодагарчилик воситалари сингари 62,9 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари юкланган. Бу инсонпарварлик юклари Оролбўйи минтақасида

ги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ва мактаб ўқувчиларига тарқатилади. Айташ жоизки, жорий йилининг ўтган даври мобайнида «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан 19 та «Саломатлик поезде» сафарга чиққан бўлиб, шунинг учун Қорақалпоғистон Республикасига йўналтирилди.

С. РАҲМОНОВ.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗЛАШТИРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Бир рақам шарҳи



2008 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда инвестициялар ўзлаштириш ҳажми

19,8 фоизга ўсди.

Фаол инвестиция сиёсати юритилаётгани, бу борадаги дастур ижроси изчил таъминланаётгани, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик ҳар томонлама ривожлантирилиб, қулай инвестиция муҳити яратилгани ана шундай юқори натижага эришиш имконини берди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПойДЕВОРИ

Маълумки, мамлакатимиз ташқи сиёсатида халқаро шартномаларга асосланиб иш кўрилади. Ҳўш, халқаро шартнома ўзи нима? У хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда қандай аҳамиятга эга? Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартномаларни тузиш қимнинг ваколатига қиради? Ушбу соҳа қайси қонунлар асосида тартибга солинади? Мазкур йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида айна пайтда қандай ишлар олиб борилапти? Ушбу саволлар билан муҳбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси аъзоси Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВга мурожаат қилди.

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари — халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга доир бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан тузилган тенг ҳуқуқли ва ихтиёрли қолишувдир, — деди З. Убайдуллаев.

— 1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ушбу шартномаларни тузиш ҳуқуқи давлатга тегишли бўлиб, давлатларо шартномалар Ўзбекистон Республикаси номидан, ҳукуматларо шартномалар — ҳукумат номидан, идора-

ларо шартномалар эса вазирилик ёки идоралар номидан тузилади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ёки бошқа соҳалари халқаро шартнома объектлари ҳисобланади.

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахриридаги лойиҳаси учинчи ўқишга тайёранмоқда. Мазкур ҳужжат 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясига асосланади. Янги тахрирдаги қонунга кўра,

бундай шартномалар халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилинган тамойил ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида амалга оширилади. Бу, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларга мос келади.

Ўзбекистон Республикаси 300 га яқин халқаро конвенция, келишув ва шартномаларга қўшилган. 2007 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан бошқа мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий соҳаларда

ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган битта баённома, учта шартнома, иккита битим ва битта конвенцияни ратификация қилиш ҳақида қонунлар қабул қилинди.

Умуман, халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқнинг манбаи сифатида давлатлар ўртасидаги турли сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳадаги масалаларни мувофиқлаштирилади.

Мамлакатда демократик тарраққиёт ва қонун устуворлиги даражаси давлатнинг халқаро ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳам боғлиқдир. Янги тахрирдаги қонун лойиҳасида мамлакатимизда амал қилаётган қонунлар билан халқаро шартномалар ўртасидаги мувофиқлик вужудга келганда халқаро шартномаларда белгилаб қўйилган қоидалар устувор юридик қучга эга бўлиши тўғрисидаги нормалар мавжуд. Ушбу норма Вена конвенциясининг 26-моддаси мазмунидан келиб чиқади. Лўнда қилиб айтганда,

Парламент ҳаёти

Яхши хабарлар

«Чимбой мой» очик акциядорлик жамияти-да экстракция цехи ишга туширилди.

Мақсулот тури кўпаймоқда

Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида 287844 минг сўмлик мақсулот ишлаб чиқарилди. Шунингдек, қорхонага, Хитой Халқ Республикасидаги «Хункон» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, 318 минг АҚШ доллари миқдордаги замонавий ускуналар келтириб ўрнатилганлиги боис, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 1,6 фойзга ортди.

Айни пайтда қадқоқлаш цехи ишга туширилиш арафасида турибди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Орзулар рўёби

Вобикет тумани Кўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ойдин кўл замини» фермер хўжалигида гишт ишлаб чиқариш цехи ишга тушди.

— Натижада 33 киши ишли бўлди, — дейди фермер Али Бобоев. — Уларнинг барчаси — қишлоғимиз ёшлари. Ёшларнинг, шундай цех очиниши андан буён дилмига тугиб юргандим. Ҳукуматимизнинг тадбиркорларга яратган қўлайликларидан фойдаланиб, ана шу мақсадимга етдим. Мақсулотимиз харидорлари кўпайиб бормоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Мурувват

«Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан қўлғу айём — Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодиданалари арафасида кўплаб тиббиёт муассасаларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиб, жойларда бир қанча хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Қуни кеча аҳоли саломатлигини асраш ва шифо масканларида етарлича шарт-шароит яратилишига ҳисса қўшиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси шифоналарига бегараз буён дилмига тугиб юргандим. Ҳукуматимизнинг тадбиркорларга яратган қўлайликларидан фойдаланиб, ана шу мақсадимга етдим. Мақсулотимиз харидорлари кўпайиб бормоқда.

Кунинча аҳоли саломатлигини асраш ва шифо масканларида етарлича шарт-шароит яратилишига ҳисса қўшиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси шифоналарига бегараз буён дилмига тугиб юргандим. Ҳукуматимизнинг тадбиркорларга яратган қўлайликларидан фойдаланиб, ана шу мақсадимга етдим. Мақсулотимиз харидорлари кўпайиб бормоқда.

Қуни кеча аҳоли саломатлигини асраш ва шифо масканларида етарлича шарт-шароит яратилишига ҳисса қўшиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси шифоналарига бегараз буён дилмига тугиб юргандим. Ҳукуматимизнинг тадбиркорларга яратган қўлайликларидан фойдаланиб, ана шу мақсадимга етдим. Мақсулотимиз харидорлари кўпайиб бормоқда.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Арслан ДУРГЕЛ (Туркия): — Тошкентга беш йил аввал келган ва бу ерга яна келишни ният қилган эдим. Қисқа фурсат ичида шахрингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашди. Довруғи тилларда дoston қадимий Шошининг кенг ва озода, файзли кўчалари, ям-шил боғларида сайр қилиб, олам-олам завқ олсан, киши. Мен Ўзбекистоннинг кўплаб жойларида бўлганман. Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухоро каби шаҳарларингиздаги бетақдор меъморий обидалар, муқаддас қадимжолар ва маданий ёдгорликлар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, ширин-сўханлиги, баррикенг ва меҳр-оқибатлиги мени мафтун этган. Ўзбекистонда ўзимни доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этман. Ушбу ажиб ва муқаддас дийрга қайта-қайта келгим келаверади.

Ҳасан АБУРАҲАБ (Миср): — Ўзбекистон — Аллоҳ назари тушган юрт. Бундай юртнинг ҳаёт тарзи тинч, осойишта, хонадонлари файзли, дастурхонлари тўкин, инсонлари баррикенг бўлади. Халқингиз мустақилликка эришгач, мамлакатингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим. Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада кўркамлашди. Буни Мустақиллик майдони мисолида ҳам кўриш мумкин. Истиқлолнинг рамзи бўлиши ушбу муаззам майдон пойтахтингиздаги энг гавжум ва энг серфайз масканларидан биридир. Мустақиллик ва эзгулик монументида ўзбек халқининг қалб кўридаги эзгу орзу-ниятлари ўз ифодасини топган. Жаннатноманд Ўзбекистоннинг самимий, меҳмондўст, багрикенг ва меҳридор халқига ҳавас қилас арзийди. Бу юрдада яшаб, ижод қилган Имом

Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Бируний, Мирзо Улуғбек каби улғу алоқамдор дунё илм-фанининг ҳамда ислом маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўлган. Тошкент — ҳар томонлама ривож топган гўзал шаҳардир. Шу боис ISESCO томонидан Тошкент 2007 йили «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, халқингиз аждодлардан қолган бой меросни кўз қорачиқларида асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва авлодларга етказиш борасида амалга ошираётган эзгу ишлари туфайли ҳам бугун Ўзбекистон изчил ривожланимоқда. Ушбу муқаддас замин келгусида янада тараққий этишига шубҳа йўқ.

ЎЗА муҳбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНУРОВА, Ёзиб олди.

Донишмандлар «Кўшнинг тинч — сен тинч» деб бекорга айтишмаган экан. Давлатлар мисолида ҳам худди шундай. Қайсики мамлакатда бирон-бир ноҳус ҳолат ўз бераётган бўлса, ён-атрофдаги давлатлар ҳам бундан азият чекади. Кейинги йилларда Афғонистон гиёвандлик воситалари ишлаб чиқарувчи, Тожикистон эса уни чор-атрофга тарқатиб бевуқчи давлатлар сифатида ном қозониб бораётгани кўпчиликка сир эмас. Ушбу давлатларга уни қуриб олган жиний гуруҳлар Афғонистонда ишлаб чиқарилган қоратори, героин каби гиёвандлик воситаларини Марказий Осиё, МДҲ, ҳатто Европага ҳам етказиб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Кўшни юртлардаги бу ташвишли ҳолат, табиийки, республикамиз, айниқса, улар билан чегарадош жанубий ҳудудларимиздаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Сурхондарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан олинган тезкор маълумотлар ана шунини кўрсатиб турибди.

Сариосиё туманининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудлари орқали катта-ката миқдордаги гиёвандлик воситаларини республикамизга ўтказишга уриниш ҳоллари учраб турибди. Шу йил 12 июль кунини тунда тўхтатиб қолинган 120 килограмм героин гиёвандлик воситаси ана шулардан бири бўлди. Иккита отта юк-лаб, тоғ сўмоқлари орқали олиб келинган бу захри қотилини Тожикистондан кимлар юборгани, қарғаб олиб кетилаётгани ҳақидаги тафсилотлар эса кўзга татилган жиний иш доирасида аниқланади.

Ушбу воқеадан икки кун ўтиб, Амударё соҳилида яна бир йирик миқдордаги оғунинг йўли тусилди. Автомобиль баллонига ишлатиладиган камера ёрдамида нарғиб томондан сузиб ўтган қимса қамишлар орасига яшириниб олишни кўзлаб бўлса керак. Бироқ у воқеа жойига тезда етиб келган чегара нарғиб томонидан қўлга олинди. Балъ виллоятда яшовчи бу афғон фуқароси ўзи билан 52 килограмм қоратори гиёвандлик воситасини олиб ўтган экан. Бундан ташқари, унинг ёнидан «ТТ» русумидаги жанговар тўпнотча ва пат-

риб келган афғон фуқароси ҳужжатини чегарачиға узатиб, унинг саволларига жавоб бера бошлади. Пўрим қийинган йиғит ўзини Муҳаммад Мусо дея таништириб, текширувчиға дипломатик паспорт тақдим этган экан. Узининг айтишича, бу ҳужжат унга Афғонистондаги алақайси бир партия томонидан (!) берилган эмис. Дипломат эканлигини рўқан қилган бу қимса машинасини текширмасдан,

халқаро шартнома ҳуқуқий тартибга солуви манба вазифасини бажаради.

Қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати халқаро шартномаларни тасдиқлаш, ратификация қилиш тартиби ва ҳуқуқий расмийлаштириш билан боғлиқдир. Амалдаги қонун бўйича халқаро шартномалар Олий Мажлис қарори билан ратификация қилиб келинган. Олий Мажлис қарори юридик ҳужжатлар иерархиясида юқсак ўринни эгалламайди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида эса, халқаро шартномалар Қонунчилик палатаси томонидан қонун билан ратификация қилинади. Кейин Сенат томонидан маъқулланади ва Президент имзолагач, матбуотда эълон қилинади. Халқаро шартномаларнинг олий юридик қучга эга бўлган қонунлар орқали тасдиқланиши халқаро шартномалар юридик қучининг таъсир даражасини ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси амалдаги қонунни янада тўлдириди, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар қондаларини маҳаллий ша-роитларга муносиб равишда татбиқ этишига хизмат қилади.

Ю. БЎРОНОВ Ёзиб олди.

Ёшлар — келажакимиз бунёдкорлари. Юртимизда фарзандлар камоли йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин тасдиғидир. Энг муҳими, бугунги ёшлар эътибор ва ғамхўрликни қадрлаган ҳолда янгиликка интилиб яшамокдалар.

НИЯТИ УЛУҒ, ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

— Бу йил коллежни имтиёзли диплом билан тамомладим, — дейди Ҳамза номидаги республика мусика коллежининг битирувчиси Мунжот Мусаева. — Ҳуқуқ даргоҳида уч йил таълим олиб, санъат ва мусика илмига бўлган қизиқишим янада ортди. Эндилкида ниятими олий ўқув юртига кириб, ўзим қизиққан йўналиш бўйича таълимни давом эттиришдир. Кўнглимда талаба бўлиш насиб этадими-йўқми, деган кўрқув ва ҳадикдан кўра, ўзимга ишонч ҳисси кўпроқ эканлигини ҳеч иккиланмай айтишим мумкин. Чунки коллежда нафақат мусиқий илм олдим, балки барча фанларни пухта ўзаштирдим. Демакки, тест синовларидан муваффақиятли ўтиш, янги ўқув йилида талабалик бахтига муассар бўлишга ишонч ҳосил қилиш учун асосларим етарли.

Ҳамгармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Ёш тадбиркор аёллар учун грантлар» ташаббусида қўлга киритган, тўй ва оқшом илбосларини тикиш ҳамда ижарага беришга мўлжалланган салон фаолиятини йўлга қўйди. Жорий йил бошидан буён хизмат кўрсатётган «Loretta» номи салонимизда мияқозлар хоҳишига қараб, ўзимизда ишлаб чиқарилган ипак газламалар, қоплар, Туркия, Бирлашган Араб Амироқлиқлари, Италия ва Франциядан келтирилган матолардан либослар тижамиз... Ҳаётда ўз ўрнини топиш учун шу қадар юқсак шароит ва имкониятларни муҳайё қилган юртим равангакам бўлишим мумкин. Чунки коллежда нафақат мусиқий илм олдим, балки барча фанларни пухта ўзаштирдим. Демакки, тест синовларидан муваффақиятли ўтиш, янги ўқув йилида талабалик бахтига муассар бўлишга ишонч ҳосил қилиш учун асосларим етарли.

2008 йил — Ёшлар йили

Аслида бундай дадил қадам ва журъат биз, ёшларнинг феъл-атвори мизга афғонистоннинг оталарча беминнат ғамхўрлиги, эътибори туфайли сингди. Президентимиз бизнинг кеҳаги авлод вақилларидан ўз билимимиз, шижоатимиз, ғайратимиз ва юқсак дунёқарашимиз билан фарқ қилишимиз зарурлиги ҳусусида кўп бор таъкидлайдилар. Чиндан ҳам, биз аввалги замон ёшларидан буткул фарқ қиламиз. Юқсак ғамхўрлик сабаб, ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизими мезонлари асосида ўзимиз қизиққан йўналиш бўйича билим олишга муваффақ бўлганимиз бунинг исботидир. Тўғри, ҳамма ҳам олий ўқув юртига қира олмади, аймко коллежини битиргач, тайинли бир касб ёки хунар соҳиб бўлиб, жамиятда муносиб ўрнимизни топиш учун бугун имкониятлар кўп.

Ёш дизайнер Рудрона Мансурова эса ўз кучи, билими ва хунарига ишониб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ташаббускор ёшлардан биридир.

Мақтабни битиргач, Тошкент давлат иқтисодиёт университетига таълим олдим. Ўқув юртини тамомладим-у, иқтисодчи мутахассислигимизда амалда қўллаш имконияти туғилди. Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»

учун бехисоб имтиёз ва қўлайликлар ҳозирланганиги, эмин-эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганимиз мен ва мен каби ёшларни бу ғамхўрликка жавобан дадил интилишга ундади.

Масалан, яқинда матбуот орқали коллежни битираётган ёшларга имтиёзли микрокредитлар берилаётганлиги ҳақида ўқиб, ниҳоятда фахрландим. Шу беминнат кўмак туфайли эндилкида йиғит-қизлар ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун ишонч билан ҳаракат қилишлари аниқ. Бу ҳам, аслида, ёшларни касбга, фойдали меҳнатга қизиқтириш, хунармандга мадад ва суянч бўлиш учун амалга оширилаётган хайирли тадбирлардан биридир.

Шуларни уйлarkanман, Президентимизнинг ёшларга юқсак ишонч билдириб, бизни юқсак марралар сари ундагувчи қарорбахш сўзлари юрагимга фахр ҳиссини солаверади. Юртбошимиз ишончи наинки сўзга, балки амалда ҳам ўз тасдиғини топаётгани, бугун ҳеч бир ёш меҳр ва ғамхўрликдан беҳаҳра эмаслигини сезинаман. Шунинг ўзбеёқ тупроғи олтинга тенг, беҳад юрда туғилдишдек саодатга насибамиз қўшилганлигини англашиб турибди!

Муборак ОХУНОВА Ёзиб олди.

ЧЕГАРА ОРТИДАГИ ГЕРОИН...

агар лоқайд бўлсак, у қишлоғимиз, маҳалламиз, уйимизга кириб келади

ронлар ҳам топилди. Тергов жа-ранда ўтказилган экспертиза ҳулосасига кўра, бу тўпнотча ва ўқдорилар ишлатишга яроқли эканлиги аниқланди.

Бундай мисолларни вилоят ҳавфсизлик ва осойишталик пос-бонлари фаолиятдан кўплаб кел-тириш мумкин. Тақрибали опера-тив ходимларнинг айтишича, кейинги вақтларда Тожикистонда уни қуриб олиб, гиёвандлик воситалари контрабандаси билан шу-ғулланиб келаётган жиний гуруҳ-лар захри қотилини Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар ҳудудига ўт-казишнинг нимаики усули бўлса, ҳаммасини қўллашпти. Героинни қишлоқ орасида яшириб ўтиш, мева-сабзавот мақсулотлари жой-ланган яшиқлар тубига яшириш, ёниқли бакига жойлаш, ичига ютиб, ошқозонда олиб ўлаш бор-ми... Баъзиларини эса айтишга тил, ёзишга қалам айланмайдми... Хуллас, ҳамма-ҳаммаси ишга солинапти. Бу жинийотнинг ан-чи «хавфсизроқ» усуллари ҳам то-пилапти.

Кейинги вақтларда Тожикистон-нинг «Пахтабод», «Душанбе» бо-ши йўл бекатларига тузилиб, тезроқ ўтказиб юборишни талаб қилди.

Давлат муассасаси эмас, қан-дайдир бир партия томонидан бе-рирган дипломатик паспорт, қола-верса, афғон фуқароси ўзини дип-ломатга номуносиб тарзда тутти-ши чегарачиларнинг шубҳасини оширди. Ёрдамга етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорала-ри ходимлари тез орада вазиятга аниқлик киритишди. Чегарачилар-нинг шубҳалари беҳис эмас экан. Республика Ташқи ишлар вази-рлигидан олинган маълумотга кўра, Ўзбекистонда дипломатик фаоли-ят билан шуғулланиб юрган аф-ғон фуқаролари орасида Муҳам-мад Мусо деган шахс умуман йўқ бўлиб, шу сабабли у ҳеч қандай дипломатик иммунитетга эга эмас.

Қалбаки паспорт билан юрган бу қимсаннинг машинаси кўздан ке-чирилганда, унинг жонсараклиги сабаби аён бўлди. Юқсондаги қўллар ичидан ўқир хидли, қи-ришдан гиёвандлик воситаларига ўхшаш моддалар олинди. Ўт-казилган экспертиза ҳулосасига кўра, бу моддалар 200 грамм героин ҳамда 2 кг. 800 грамм миқдордаги

қоратори гиёвандлик воситалари экан. Суд ҳўми билан Мозори Ша-риф шаҳрида яшовчи, 1972 йилда туғилган, Афғонистон фуқароси Му-ҳаммад Мусо 17 йил муддатта озодликдан маҳрум этилди.

Гиёвандлик воситалари контра-бандаси ва ноқонуний айланishiга қарши курашиш фақатгина Афғон-истон ёки Тожикистон билан чегара-дош ҳудудлар унғилина долзарб, деб ўйласак хато қилган бўламиз. Чун-ки бу давлатлардан ўтказилган ги-ёвандлик воситалари республи-камизнинг бошқа вилоятлари ҳудуд-ида ҳам қўлга олинмоқда. Маса-лан, ўтган йил октябр ойида Тош-кент шаҳрида қўлга олинган 71 ки-лограмм қоратори «КамАЗ» авто-шинасини кузовидаги бочка туби-га яширилган экан. Ушбу воқеадан бир ой ўтмай, Тошкентнинг «Кўйлик» мавзесида тўхтаган «КамАЗ»га ортилган 200 дан зиёд яшиқдаги 13 тонна хурмо меваси остига ҳам махфий равишда кат-та миқдордаги героин ўрамлари жойланган экан. Улар жамланиб тортиб кўрилганда 235 кг. тош борди. Ўтган йил декабр ойида Урганч туманига қираверганда тўхтаган «Нексиа»нинг газ бал-лонини ичида газ эмас... 40 кг. қоратори чиқди. Терговда аниқла-нишича, хуфя жойдаги бу гиёв-андлик воситасининг ҳам «асл

қилиб чиқиши» Тожикистондан экан...

Уюшган жиний гуруҳлар гиёв-андлик воситалари билан бема-лол савдо-сотик қилаётган бундай мамлакатлар билан қўшнчилик қилиш, албатта, осон эмас. Сур-хондарё вилояти ички ишлар бош-қармаси томонидан 2007 йил мо-байнида жинийотчилардан 41 кг. ге-роин, 73 кг. қоратори олинган бўлса, бу йилнинг ярмидаёқ 30 кг. героин, 150 кг. қоратори қўлга олинди. Чегара ортидан келаётган захри қотил оқимининг кескин кўпайгани яққол кўриниб турибди. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2007 йилда Афғонистонда қоратори ишлаб чиқариш аввалги йилдагига нисбатан 34,4 фойз кўпайган бўлиб, 8 миңг 200 тон-нани ташкил этди. Бу захри қотил-нинг бир қисми героинга айлан-тирилиб, қолгани эса шу ҳолича бошқа минтақа ва мамлакатларга тарқатилмоқда. Бу эса, яқин йил-лар ичида мамлакатимиз, айниқ-са, чегара ҳудудларимизда нарқо-трафик таҳдидига қарши кураш ма-саласи долзарблигига қолтишини кўрсатмоқда.

Энг хавотирлиси, чегара орти-даги салбий ҳолатлар тинч-осо-йишта юртимизга ҳам таъсирини ўтказяпти. Тожикистонда захри қотил контрабандаси билан шуғул-ланиб келаётган уюшган жиний гуруҳлар Сариосиё, Узун тумани-ри ва бошқа чегараолди ҳудудла-рида яшовчи ёшларни ўз тузоғига илтиришга уринмоқдалар. Геро-ини учун орқали чегарадаги ай-ланма йўллардан ўтказиб, ўзлари бир четда кузатиб туриш ҳоллари ҳам қайд этилмоқда. Оқибатда ай-рини ёшларимиз билан-билмай жи-нийот йўлга кириб қоляптилар.

Модомки, шундай экан, ёшларимиз, фарзандларимизни кўра-била туриб жинийотчи қимсалар қўлга топишириб қўймаслигимиз, уларнинг нарғиб томонидан контрабанда қилинган героин билан бирга юртимиз-га ғам-ташвиш, нотинчлик, бедаво касалликлар, бевақт ўлим каби бир талай кулфатлар кириб келади.

К. ҚОДИРОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Нефть нархи тушмоқда

Ниҳоят, нефть харидорлари, бироз бўлса-да, енгил тин оладиган бўлишди.



“France Presse” ахборот агентлигининг хабар беришича, нефть маҳсулотлари дунёда кундан-кунга ўтказилган савдоларда сўнгги уч ой ичида энг арзон нархда сотилди.

Жумладан, Американинг “WTI” “қора олтин” бир баррели (етказиб бериш билан бирга) 121,4 АҚШ долларига баҳоланган. Лондон биржасида Европанинг “Brent” нефтининг бир баррели эса харидорларга 120,68 АҚШ долларидан тақдим этилган.

Жорий йилда нефтининг рекорд даражадаги қимматлашуви 11 июлда кузатилди. Ушундан бир баррель “қора олтин”нинг баҳоси 147,27 АҚШ долларигача кўтарилган эди.

Куч — бирликда

Американинг икки йirik компанияси — “General Motors” ва “Ford” ҳамкорлиқда ишлаши режалаштирилмоқда, дея хабар беради Lenta.ru интернет сайти.

Маълумотларда келтирилишича, бир вақтлар автомобилсозлик соҳасида катта ютуқларга эришган мазкур компанияларнинг иқтисодий аҳоли ҳозирда бироз ёмонлашган. Ҳамкорлик доирасида машиналарнинг эҳтиёт қисмлари бирга ишлаб чиқарилади. Бу, ўз навбатида, харажатларни анча камайтириши мумкин экан. Кузатувчилар мазкур келишув амалга охша, компаниялар учун самарали бўлишини таъкидлаб ўтишган.

Тизимда таржималар хизмати

“Google” қидирув тизими яна бир хизмат турини тақдим этди.

Энди бу сайтга кирувчилар “Google Translation Center” — матнларни таржима қилиш хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлишди. Унда сиз киритган матн бир неча дақиқа ичида автоматик тарзда таржима қилиб берилади.



Айни пайтда “Google Translation Center”да 40 та тилда таржималарни амалга ошириш мумкин. Лекин “Google” таржима сифатида юз фоиз кафолат бермайди.

Ҳам қайноқ, ҳам фойдали

Германия ва Янги Зеландия олимлари дунёдаги энг иссиқ сув ҳавзасини аниқлашга муваффақ бўлишди. “Geology” журналида ёзилишича, Атлантика океанининг баъзи қисмларида 407 даража ҳароратдаги қайноқ сув мавжуд экан.

— Бу ақл бовар қилмайдиган ҳодиса, — дейди тадқиқот гуруҳи аъзоларидан бири Андрей Кокински. — Сувга юқори даражадаги ҳарорат бериш учун жуда катта энергия керак бўлади. Бу табиатнинг мўъжизасидан бошқа нарса эмас. Олимларнинг таъкидлашича, бундай ҳароратдаги сув орқали кўпгина металларни қайта ишлаш имконияти бор. Бу қимбўй усуллар билан олинадиган суоқликларга қараганда экологик жиҳатдан анча зарарсиздир.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Корхоналар раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги мутахассислари диққатига!

ТАШКИЛОТ

қуйидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги маҳсулотларини тақлиф этади:

- ёнғин хавфсизлиги мавзусидаги плакатлар;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандислари учун ҳужжатлар тўплами;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, фуқаролар ҳимояси ҳамда фавқулодда вазиятлар мавзусидаги плакатлар, китоблар ва рисолалар;
- шиолинич биринчи ёрдам кўрсатиш машғулотларида фойдаланиладиган манекен-тренажёрлар;
- видеофильмлар.

Телефонлар: 233-53-00, 717-17-52, 263-17-52.
Факс: 239-14-80, 233-16-16.
E-mail: albert.btl@mail.ru

Республика Кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Навоий вилояти Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 2008 йил 18 июлдаги 67-П-сонли буйруғига асосан, Навоий вилояти, НКМКнинг шимолий қон бошқармасига қарашли Учқудуқ шаҳрида жойлашган, умумий майдони 2500,0 кв.м. бўлган таъмирлаш-механика устaxonаси биноси. Бошланғич баҳоси — 70 903 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 3 сентябрь кунин соат 10.00 да Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уйда ўтказилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини РКМБ Навоий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, МФО 00205, АТИБ «Ипотекабанк»-и Навоий бўлими.

2. Навоий вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 21-05-03/2300-«б» сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган, Нурота туманидаги «Нуротамармар» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг мол-мулклари мулккий мажмуа сифатида (Италияда ишлаб чиқарилган мраммари қайта ишлаш линияси, кўчмас мулклар ва бошқа мулклар). Бошланғич баҳоси — 702 700 085 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 10 сентябрь кунин соат 10.00 да Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уйда ўтказилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини РКМБ Навоий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, МФО 00205, АТИБ «Ипотекабанк»-и Навоий бўлими.

Мазкур савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: (8-436) 224-15-61, 224-64-31, 278-41-71.

Лицензия: DB 001 № 000004.

ООО «Росагропромснаб» предлагаёт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв.л 6, д. 2 (Ор-р — метро «М. Улугбек») Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган тақририй очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Улғунор тумани, «Дўстлик» массивида жойлашган, 2001 йилда ишга туширилган, майдони 1005,8 кв.м. бўлган бетон ишлаб чиқариш цехи. Бошланғич нархи — 60 858 546 сўм.

2. Избоскан тумани, Лугумбек қишлоғида жойлашган Избоскан тумани қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ошхона биноси ва иншоотлари. Бошланғич нархи — 132 016 500 сўм.

3. Олтинқул тумани, «Оразий» ҚФЙда жойлашган, «Олтинқул ёр» шўъба корхонасига қарашли «ДСХ-50 кг» русумли тарози — 1 тўплам, элеватор норияси — 1 тўплам, 3 тонна тарози — 1 тўплам, ёғ тозалаш (рафинаторная) ускунаси — 1 тўплам, ёғ қуришти ускунаси — 1 тўплам, 1 та «LG T717B» русумли компьютер, 1 та «CANON LBP-2900» русумли принтер, 4 та шкаф, 10 та стул, 5 та галадонли стол, 1 та компьютер столи, 10 та 25 м³ ҳажмдаги сизимлар, 1 та сейф, уруғчилик омбори биноси, маъмурий бино, ободонлаштириш мажмуи, устaxonа биноси, ишлаб чиқариш цехи биноси, маиший бино, ўсимлик ёғи сақлаш сизимлари, саралаш иншооти, чикинди омбори, қозонхона, электр тармоқлари, муҳандислик тармоқлари ичидаги барча иншоотлари билан. Бошланғич нархи — 185 416 337 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 26 август кунин соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Андижон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

Лицензия: DB 001 № 000004.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ўтказилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Унда барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарини тўлайдилар. Қандайдир ер қазииш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, бунинг фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	244-61-08, 232-01-26, 244-29-59 250-36-79, 380-40-35 21-306, 21-121, 186-57-51 2-27-61, 186-57-51 2-54-11, 316-97-53
ЛКЦ-0 Тошкент ш. КУ-1 Тўйтепа ш. КУ-1 Ф-л Ангрэн ЛТЦ Бекобод	235-36-59 265-80-43 168-72-86 168-48-51
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш., А.Хужаев к., 29-уй. КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. КУ-2 Янгиёул ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйтепа ш.	235-36-59 265-80-43 168-72-86 168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Кўқон ш., «Истиклол» к., 58-уй. КУ-2 Бешарик тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., «Нуробод» мас. телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., «Дўстлик» қўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. КУ Даштобод ш. ЛТЦ-2 Янгиер ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 382-10-06 72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунгур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашқобод» к., 1-уй. КУ Туртқул ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Хуснобод» к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузор ш.	221-02-41 55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазииш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил қиқиндилар ташлаш, кислотла, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Урта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси марказ директорининг ўринбосари А. Юнусова падири бузруквори

КАРИМЖОН отанин вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси ер ости бойлиқларини муҳофаза қилишни, минерал хом ашёни хавфсиз қайта ишлашни назорат қилиш ва геология маркшейдерлик назорати инспекцияси бош мутахассиси Соҳидиёлла **УСМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси «Иқтисодий назария» кафедраси доценти Низомиддин Урмонова онаси **МАСТУРАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТАШКИЛОТ ФАҚАТ БУЮРТМА БЎЙИЧА СОТАДИ

«BA3-21041» 9500 \$ ва ундан юқори

«Chevrolet-Niva» 17800 \$ ва ундан юқори

«BA3-21175» 9500 \$ ва ундан юқори

Тўлов шакли — турлича. Етказиб бериш мuddати — 1-1,5 ой ичида. Божкоза тўловлари барча баҳоларга киритилган.

Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97 (соат 9.00 дан 18.00 гача).

МАДАНИЯТ

хабарлари

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент Фотосуратлар уйда мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. У "Истиқлол — аёл тақдирида" деб аталади.

Суратларда аёл сиймоси

Кўргазма экспозициясидан юртимиз фоторассомлари ижоди билан бир қаторда Франция, Туркия, Япония мамлакатлари ижодкорларининг асарлари ҳам ўрин олди. Кўргазма экспонатлари қаторидан жой олган асарлар орасида юртимиз фоторассомлари ижодида мансуб суратлар, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Тошкентлик В. Жирновнинг «Аёл латофати» мавзусидаги туркум асарлари, П. Ким ижодида мансуб муҳаббат туйғуси ифодаланган фотопортретлар, Р.Ханипованинг оналик бахтини акс эттирувчи бетакрор сюжетли ижод намуналари шулар жумласидандир. Шунингдек, япон фоторассоми Есую Ито, туркиялик сураткаш Ситки Косемен асарлари ҳаётот ва ҳақиқат уйғунлиги, бой рамзий маънолари билан ажралиб туради.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий «Маҳалла кўни» ўтказилди. Тадбир «Маҳалла» хайрия жағмазининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими ташаббуси билан ташкиллаштирилган.

«Маҳалла кўни»

«Маҳалла кўни» доирасидаги тадбирларда хунармандлар ижодида бағишланган кўргазма намойиш этилиб, лавар ва халқ кўшиқларидан намуналар ижро этилди. Миллий халқ уйинлари фестивали эса тадбирга ўзгача фойда бағишлади. Шунингдек, ёшлар ўртасида «Футбол-лимиз келажаги» деб номланган спорт мусобақасида кўлаб ёш истеъдодли спортчилар кашф этилди.

Хусан БУРҲОНОВ.

«Истиқлолдан баҳра олган юрт»

Қашқадарё вилояти Ўлкашунослик музейида «Истиқлолдан баҳра олган юрт» мавзусидаги кўргазма намойиш этилди. Кўргазмадан мустақиллик йилларида вилоят миқёсида амалга оширилган ислохотларни акс эттирувчи ашёлар ҳамда фотосуратлар жой олган. Унинг очилиш маросимида санъатшунослар ҳамда коллеж ўқувчилари иштирок этдилар. Айниқса, сўнгги йилларда Қарши шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини

Мухтасар КАРИМОВА.

Тигдан яралган санъат

Истеъдодли rassom, Беруний туманидаги 69-ўрта таълим мактаби директори Сахий Жонаҳмедов кўп йиллардан буён rassomчиликнинг ноёб тури бўлган фонстрафито, яъни тиг ёрдамида ўйиб сурат солиш билан шуғулланади. Яқинда унинг кўп йиллик ижоди маҳсули — «Қорақалпоғистон» номи китоби босмадан чиқди. Китобдан буюк тарихий сиймослар — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, қорақалпоқ адабиёти намояндalари Бердақ ва Ажиниёз каби алломалар сиймослари жой олган.

Аҳмед ҲИДОЯТОВ.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРНИНГ ИТАЛИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Жаҳоннинг турли бурчакларида ўтказиладиган нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида ўзбекистонлик ёшларнинг муваффақиятли иштирок этиши анъанага айланиб қолди. Зеро, бу юртимизда ёш авлод тарбиясига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Жорий йилнинг 21-27 июль кунлари Италиянинг Сан-Бартоломео шаҳри мезбонлик қилган «Giovani Talenti» («Ёш иқтидорлар») XXIII халқаро мусиқа танловида ҳам ёшларимиз ҳеч қимдан кам эмасликларини яна бир бор намойиш этдилар.

Халқаро танловда Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари Дилшодбек Сатторов, Бобур Муҳаммадҷонов ва Сардор Турсуновлар ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди. Юртдошларимиз жаҳоннинг таниқли бастакорлари М.Гайдн, К.Черни, К.Дебюсси ва бошқаларнинг асарларини юксак маҳорат билан ижро этиб, мусиқа илосмандлари, ҳакамлар хайратининг юксак эътирофига сазовор бўдилар.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Танловда ёш пианиночи Дилшодбек Сатторов ва скрипкачи Бобур Муҳаммадҷонов биринчи ўринга лойиқ топилди. Яна бир вақилимиз Сардор Турсунов скрипка йўналишида туртинчи ўридан жой олди.

— Халқаро танловда АКШ, Аргентина, Германия, Япония, Италия каби

ривожланган давлатлар вақиллари баҳс олиб боришди, — дейди Дилшодбек Сатторов. — Шундай беллашувда биринчи ўринга муносиб

2008 Ёшлар йили

қўрилганидан фахрланаман. Биз, ёшларга ўз иқтидоримизни намойиш этиш учун шaroит яратиб бераётган юртовшимизга, менга мусиқа сирларини ўргатган устозларимга миннатдорлик билдирмаман. — Юртимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг аҳамияти чексиз, — дейди Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори ўринбосари Жаҳонгир Иброҳимов. — Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал вазифини ўтамоқда. Ўқувчиларимиз жорий йилда Франция ва Литвада ўтказилган нуфузли мусиқа фестивалларида ҳам голиблар сафидан жой олишгани бунинг исботидур.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Умид Комиллов дадаси Наманган от спорти мактабига етаклаб борганида эндигина ўн бир ёшга тўлган эди. У бу ерда устози Сергей Шмелёв раҳбарлигида машгулотларда қатнаша бошлади. Албатта, мазкур спорт тури билан шуғулланишнинг ўзига хос машаққатлари, қийинчиликлари бор эди.

УМИДНИНГ УЧҚУР ТУЛПОРИ

Лекин Умид барчасини бардош билан, сабот билан енгиб ўтди. Бугун барча тенгдошлари ҳавас қилса арзиғулик ютуқларга эришмоқда. Спорт устаси талабининг баҳарди, Ўзбекистон чемпионатида бир неча бор голиб ва совриндор бўлди, халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Айниқса, жорий йил Умид учун омалди келди. Астана (Қозоғистон) шаҳрида ўтказилган от спорти бўйича жаҳон кубогининг минтақавий учинчи босқич саралаш учрашувида муваффақиятли иштирок этди. Унда Россия, Украина, АКШ,



Германия, Жанубий Корея, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари чавандозлари голиблик учун кураш олиб боришди. Умид дастурдаги кон-

курс баҳсларида ўзининг «Рио-Сакраменто» лақабли оти билан 1 метру 50 сантиметрлик тўсиқлардан моҳирона сакраб, жарима очколарсиз маррага етиб келди ва Гран-при соҳиби бўлди.

От спорти муҳлисларига эслатиб ўтамиз, Умид Бишкек (Қирғизистон) ва Тошкентда бўлиб ўтган биринчи ва иккинчи босқич саралаш мусобақасида фахрли учинчи ўринни эгаллаган эди.

Энди Умид жаҳон кубогининг келаси йили ўтказиладиган ҳал қилувчи финал беллашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

«Бунёдкор» рейтинг юқорилади

Кеча Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (FFHS) жаҳон футбол жамоаларининг август ойи учун янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Ушбу рейтингда миллий чемпионатимиз етакчи жамоаларидан ҳисобланган «Бунёдкор» («Қурувчи» эндиликда «Бунёдкор» деб юритилмоқда) ўтган ойга нисбатан уч поғона юқорилаб, 110-ўридан жой олган. Яна бир жамоамиз «Пахтакор» эса 121-ўридан бормоқда.



Югуриш бўйича янги рекорд

Халқаро енгил атлетика федерацияси (IAAF) ямайкалик Ҳусейн Болтнинг 100 метрга югуриш бўйича ўрнатган янги жаҳон рекордини расман тасдиқлади, деб хабар беради АР.

Ҳ. Болт жорий йилнинг 31 май кунини Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган халқаро турнирнинг 100 метрга югуриш баҳсларида маррага 9,72 сонияда етиб келиб, жаҳон рекордини янгиллаган эди. Бундан олдинги рекорд ҳам яна бир ямайкалик спортчи Асафа Пауэллга тегишли. У 2007 йил Италиядаги халқаро турнирда 100 метр масофага 9,74 сонияда етиб келган.

О. ЗИЁЕВ тайёрлади.

АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"МИСТЕР БОНУС!"

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА КЎНГИРОҚЛАР УЧУН ҲАР ОЙ БЕПУЛ

200 ДАҚИҚА



Бонус ортиқча бўлмайдۇ

Эндиликда PerfectumMobile минозлари Қирғизистон Республикасида ҳам роуминг хизматидан фойдаланишлари мумкин. Иссиқкўлда маркази тортиқ чиқарилди!

*2009 йилнинг 1 январига қадар Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида.

PerfectumMobile (8598) 305-1111

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳах — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.30 Тошпирида — 22.00 1 2 3 4 5 6 7

BERCALT MIP обоев, Rosсийский линолеум, Тел. 234-48-11, Факс 234-49-58